



## ИЖТИМОЙ МОБИЛЛИК - БАРҚАРОП ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Рашид Пазилбекович Маматқулов

Тошкент давлат юридик университети Умумтаълим фанлар ва маданият кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7016450>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> August 2022

Accepted: 20<sup>th</sup> August 2022

Online: 23<sup>rd</sup> August 2022

### KEY WORDS

жамият, ижтимоий, мс  
маргинал, ми  
вертикал, статус, ҳаракатч  
структура, эмиграция, иммиг

### ABSTRACT

Мақолада ижтимоий мобилликнинг жамият тараққиётида тутган ўрни, роли ва аҳамияти ўрганилган. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий мунособатларга кириб келаётган ижтимоий мобиллик жараёнлари ва уларни амалга оширишда келиб чиқадиган ижобий ва салбий оқибатлар ҳужжатларни анализ, синтез, таққослаш ва таҳлил қилиш методлари орқали ёритиб берилган. Ушбу мавзуга комплекс методологик нуқтаи назардан ёндашилган. Мақолада ижтимоий мобиллик тушунчаси, унинг турлари, йўналишлари ва каналлари ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Ижтимоий мобилликни амалга оширишга таъсир қилувчи омиллар ўрганилган. Мобиллик жараёнида келиб чиқадиган маргинал ҳолатнинг оқибатлари таҳлил қилинган. Мавзу бўйича тегишли тартибда хулоса ва тавсиялар берилган.

Жамият ҳамма вақт тараққиёт ва ўзгаришда. Инсонлар маълум бир вақт ва замонда жамиятда ўз ўрни ва ролини шу билан бирга статусини ўзгартириб боради. Жамият аъзоларининг ўз статуси ва ролини ўзгартириши учун қилинган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси ижтимоий мобиллик ҳисобланади. Бундай хатти-ҳаракатлар маълум бир индивид ёхуд ижтимоий гуруҳлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Ижтимоий ҳаёт ҳар доим ўзгаришлар билан боғлиқдир. Бундай ўзгаришлар ижтимоий ҳаётда жамият аъзолари томонидан яшаш жойини ўзгартириш, иш жойи ва хизмат поғоналаридан юқорилаш каби ҳолатларда намоён

бўлиши мумкин. Ижтимоий маконда кишилар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий мобилликка турли хил омиллар сабаб бўлиши мумкин, масалан: демография, миграция, эмиграция ва иммиграция ва бошқалар.

Тарихий тараққиёт давомида жамиятда юқори статус ва нуфузга эга бўлган оилалар ўз фарзандларини ижтимоий маконда юқори поғонадан жой олишлари учун ҳаракат қилишган. Қуйи статус ва нуфузга эга бўлган оилалар ҳам ўз фарзандларини жамиятда юқори мақом ва нуфузга эга бўлишлари учун кураш олиб боришган. Жамият аъзолари ўртасида ҳамма вақт



юқорига интилиш тамойили устувор аҳамият касб этган.

Бугунги кунда жамият тараққиётининг энг асосий устувор йўналишларидан бири инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласидир. Ушбу стратегик йўналишни амалга оширишда ижтимоий мобиллик мавзуси долзарб масала ҳисобланади. Ижтимоий мобиллик мавзусини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, илмий нуқтаи назардан ўрганиш тақозо қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги ўз нутқларида: “Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ёки яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Ҳар бир фуқарога мамлакатдан тўсиқларсиз чиқиш ва қайтиш ҳуқуқи кафолатланиши лозим. Шунингдек, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва унинг кафолатлари айнан Конституция даражасида мустақамланиши керак. Шундагина фуқароларимизнинг тинч ва хотиржам яшаши, давлатга ва қонунга ишончи, эмин-эркин ҳаракат қилишини кафолатли таъминлаган бўламиз”, дея таъкидлаб, ушбу масала кун тартибидаги асосий йўналиш эканлигини кўрсатиб бердилар.

Мобиллик тушучаси инглизча сўз бўлиб, *mobile* – кўчиш, сафарбарлик маъносини англатади. Ижтимоий мобиллик термини социология фанига биринчи бўлиб П.Сорокин томонидан 1927 йили киритилган. Жамиятда кишилар томонидан амалга

ошириладиган мобилликнинг асосий мақсади ижтимоий маконда юқори статусга эга бўлишдир. Ижтимоий мобиллик кишилар томонидан жамиятда эгаллаган ижтимоий статусини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси ҳисобланади. Ижтимоий статус қуйидаги кўринишларга эга:

- реал ижтимоий статус;
- ўткинчи ижтимоий статус;
- берилган ижтимоий статус.

Ҳар қандай индивид туғилганидан бошлаб маълум бир статусга эга бўлади. Масалан: маълум бир ирқга мансублиги, жинси, туғилган жойи ва моддий нуфузга эга бўлган оилада туғилиши ва ҳ.к.

Жамият ўз аъзоларига нисбатан қанчалик қатъийлик тамойили асосида мунособатда бўлса, ўша жамиятда ижтимоий мобиллик даражаси паст бўлади. Бунинг натижасида жамият тараққиёти секинлашади. Аксинча, жамиятда ижтимоий мобиллик қанчалик юқори бўлса, ўша жамиятда тараққиёт даражаси юқори ва динамик бўлади. Шу билан бирга индивиднинг жамиятдаги реал статуси намоён бўлади.

Ижтимоий мобиллик асосан икки йўналиш асосида амалга оширилади: авлодлар ўртасида ва авлодлар ичида. Шу билан бирга ижтимоий мобилликнинг икки тури мавжуд – вертикал ва горизонтал.

**Авлодлар ўртасидаги ижтимоий мобиллик** – маълум бир оила фарзандлари ота-оналарига нисбатан жамиятда юқори ёки паст статусга эга бўлиш ҳолатини ифодалайди. Масалан: фабрика ишчисининг фарзанди олий



маълумоти муҳандис даражасига кўтарилиши.

**Авлодлар ичидаги мобиллик** – оиладаги ота-онанинг жамиятда эгаллаган ижтимоий мавқеига боғлиқ бўлмаган ҳолда, фарзандлар томонидан ижтимоий карьерага эришиш ҳолати тушунилади. Масалан: фабрика ишчисидан олий маълумоти муҳандис, сўнг бўлим бошлиғи, фабрика директори, енгил саноат вазири.

Иккинчи йўналишдаги ижтимоий мобиллик қисқа давом этадиган жараён ҳисобланади. Ушбу мобилликда жисмоний меҳнатдан ақлий меҳнатга ўтиш жараёни амалга ошади.

**Вертикал мобиллик** – жамият аъзоларининг ижтимоий мавқеини ўзгартиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси ҳисобланади. Йўналишига кўра вертикал мобиллик пастдан юқорига (касбий фаолиятни ўзгартириш билан боғлиқ ҳолатларни қамраб олади. Масалан, такси ҳайдовчиси ўз касбини риэлтер касбига ўзгартириши), юқоридан қуйига қараб ижтимоий мобиллик (касбий мавқеини ўзгартириш билан боғлиқ ҳолатларни қамраб олади. Масалан, олий маълумоти муҳандис ўз касбини газета сотувчисига ўзгартириши).

**Горизонтал мобиллик** – жамият аъзолари ижтимоий мавқеини сақлаган ҳолда ўз ижтимоий жойлашувини ўзгартириши ҳисобланади. Ушбу мобиллик йўналишида маълум бир индивид ўз ижтимоий мавқеи белгиларини сақлаган ҳолда бир гуруҳдан иккинчи бир гуруҳга ўтиш ҳолати рўй беради (масалан, бойлиги, нуфузи ва ҳокимиятга эгаллигини сақлаган ҳолда бир фуқароликдан иккинчи бир фуқароликка ўтиш ва ҳ.к).

Касбий фаолият билан боғлиқ горизонтал мобилликка менежер ўз касб фаолиятини дастурчи касбий фаолиятига ўзгартиришини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Вертикал мобилликда қуйидан юқорига, юқоридан қуйига тамойили амал қилса, горизонтал мобилликда ўзгаришлар тенглик тамойили асосида рўй беради. Бундай тамойилларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли жуда катта аҳамиятга эгадир. Кординатадаги ўзгаришларни ўз вақтида илмий жиҳатдан ўрганиш жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Давлат томонидан қабул қилинадиган стратегик дастурлар учун ҳам асос бўлиши мумкин. Ижтимоий мобиллик динамикаси жамият очиқлиги ёки ёпиқлик даражасини белгиловчи омил ҳисобланади.

Ижтимоий мобиллик объектив ва субъектив нуқтаи назардан ҳам классификация қилиниши мумкин.

Ташкилий жиҳатдан уюштирилган мобиллик: маълум бир индивид ёки гуруҳнинг ижтимоий статуси давлат бошқаруви асосида ўзгартирилади.

- жамият аъзоларининг розилиги асосида;
- жамият аъзоларининг хоҳиш-истаги эътиборга олинмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Структуравий ижтимоий мобиллик: маълум бир индивид ёки гуруҳнинг хоҳиш-иродаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда иқтисодий соҳада бўладиган ўзгаришлар асосида амалга оширилидиган ижтимоий мобиллик ҳисобланади.

Юқорида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда, ижтимоий мобилликни яна бошқа мезонлар



асосида ҳам классификация қилиш мумкин.

Биринчиси, **индивидуал мобиллик** - ҳар бир жамият аъзосининг вертикал ва горизонтал ҳолатдаги мобил ўзгаришлари бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда мустақил равишда амалга оширилади. Жамиятда индивидуал тартибда амалга ошириладиган мобиллик жараёнига таъсир қилувчи қуйидаги омиллар мавжуд. Хусусан:

- оиланинг ижтимоий статуси;
- таълим олганлик даражаси;
- миллати;
- жисмоний ва ақлий

қобилият, ташқи кўриниш;

- тарбия олганлик даражаси;
- яшаш жойи;
- мақсадли тартибда амалга

оширилган никоҳ.

Иккинчиси, **гуруҳий мобиллик** - жамият аъзоларининг жамоавий тарзда амалга ошириладиган мобиллик ҳолатларини ўз ичига оладиган жараён ҳисобланади. Масалан, жамиятда рўй берган социал революция туфайли бир ҳукмрон синф ўрнига бошқа бир ҳукмрон синф келади. Социолог олим П.Сорокин гуруҳий мобилликка сабаб бўлувчи қуйидаги омилларни асос қилиб кўрсатади:

- ижтимоий инқилоб;
- хорижий интервенция;
- давлатлар ўртасидаги урушлар;
- фуқаролик урушлари;
- ҳарбий тўнтаришлар;
- сиёсий режимнинг ўзгариши;
- жамиятда янги конституциянинг

қабул қилиниши;

- империя ташкил этилиши.

Юқорида келтирилган гуруҳий мобилликка сабаб бўлувчи асосларга

қуйидаги мисолларни келтириш мумкин. Қадимги Грецияда конституциянинг қабул қилиниши жамият аъзоларининг кўпчилигини қулликдан озод бўлишига олиб келган ҳамда ижтимоий жиҳатдан бир поғона юқорига кўтарилишига сабаб бўлган. Октябрь инқилоби жамиятда ишчилар синфи мақоми ва нуфузини юқори даражага кўтаришга асос бўлиб хизмат қилган.

Жамият аъзоларининг вертикал ҳолатда пастдан юқорига ижтимоий статусини ўзгартиришига ёрдам берувчи ижтимоий мобиллик каналлари (ижтимоий лифт) қуйидагилардан иборат:

- оиланинг жамиятда эгаллаган ижтимоий мақоми;
- жисмоний ва ақлий қобилият;
- таълим олиш ва маълумотлилик даражаси;
- ҳарбий хизмат;
- мақсадли никоҳ қуриш;
- турар жойни ўзгартириш;
- фуқаролик уруши;
- хорижий интервенция (иқтисодий, сиёсий ва бошқа кўринишлар);
- ҳарбий тўнтариш;
- динга эътиқод ва бошқа омиллар.

Уларнинг ҳар бири вақт ва макон бирлиги нуқтаи назаридан маълум бир тарихий тараққиёт босқичида ўз устуворлигига эга бўлган. Масалан, дин ва армия тараққиётнинг дастлабки босқичида ижтимоий поғонадан кўтарилиш учун қулай ва энг асосий йўналиш ҳисобланган.

Армия - бу ҳарбий ҳолат вақтида ҳарбийлар учун жамиятда ўз ижтимоий мавқеини кўтариш учун имконият



яратиладиган макон. Ҳарбийлар ватанни ҳимоя қилиш йўлида кўрсатилган қаҳрамонлик ва иқтидори орқали жамиятда ўз ижтимоий статусини кўтаришга эришиши мумкин. Бунга тарихий тараққиёт давомида қадимги Римда 92 та императордан 36 тасига ҳарбий хизмат ижтимоий лифт вазифасини бажарганлигини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Қадимги Византияда 65 та императоридан 12 таси учун ҳарбий хизмат карьера вазифасини бажарган. Наполеон ва унинг қўмондонларига ҳам юқори мавқега эга бўлиш учун армия ижтимоий кўтарилиш поғонаси бўлиб хизмат қилган. Бугунги кунда ҳам армия ижтимоий мобиллик жараёнида ўз динамикасига эга.

Дин – ижтимоий циркуляция канали сифатида (ижтимоий лифт сифатида) катта аҳамиятга эга. П.Сорокин томонидан 144 та қадимги Рим католиклар папаси ижтимоий келиб чиқиш тарихи ўрганилганда, улардан 28 таси қуйи табақадан, 28 таси эса ўрта табақа вакилларида эканлиги маълум бўлади. Ушбу таҳлил ўша даврда жамиятда ижтимоий циркуляция учун мақбул шароит яратилганидан далолат беради. Бундай ҳолат жамият тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қилган.

Ижтимоий мобиллик жараёнида маргинал ҳолатнинг ўз ўрни ва роли мавжуд. Маргинал лотинча сўз бўлиб, чеккада жойлашган деган маънони англатади. Социология фанида субъектнинг жамиятдаги ноаниқ ҳолати, яъни чегарада, оралиқда деган маънода қўлланилади.

Маргинал ҳолатдаги шахс ва гуруҳларда руҳий тушкунлик, зўриқиш

ва ўзликни англашдаги инқироз кўпроқ кузатилади. Уларнинг хатти-ҳаракати ва хулқ-атворида қуйидаги хусусиятлар устувор аҳамиятга эга:

- хавотирлик даражасининг кучайиши;
- агрессивлик ҳолати;
- эҳтиросга кўпроқ берилиш;
- кўп ҳолатларда қонунни айланиб ўтиш.

Маргинал ҳолатдаги шахс ва гуруҳларнинг классификацияси:

- этномаргиналлар – миграция жараёни туфайли бошқа этник гуруҳларда вужудга келган маргинал ҳолат.
- социомаргиналлар – тугалланмаган ижтимоий ўзгаришлар жараёнида вужудга келадиган маргинал муносабатлар.
- диний маргиналлар – ноанънавий диний конфенциялардан ташқари вужудга келадиган маргинал ҳолатлар.
- сиёсий маргиналлар – сиёсий маданият, умумахлоқий қадриятлар йўқотилиши оқибатида вужудга келувчи вазиятлар.
- биомаргиналлар – инсон соғлиғини давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш предметидан чиқиб кетиш жараёнида вужудга келадиган маргинал ҳолат.

Ижтимоий мобиллик жараёнида маргинал ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- \* этник сабаблар - миграция ва мажбурий кўчиб ўтиш оқибатида, янги жой, муҳит ва маданиятга мослашиш билан боғлиқ юзага келадиган ижтимоий муаммолар.



\* иқтисодий сабаблар – мулк, даромад манбаини йуқотилиши ва бундай ҳолатнинг қайта тикланмаслиги билан боғлиқ жиҳатлар.

\* сиёсий сабаблар – амалдаги сиёсий режимнинг қулаши, сиёсий партияга ишончсизлик муҳитининг вужудга келиши.

\* диний сабаблар – диний эътиқоднинг алмашинуви.

Жамиятда ижтимоий мобиллик ўлчови қуйидагилардан иборат:

**Мобиллик масофаси** – маълум бир индивид томонидан юқорига ёки қуйига амалга оширилган поғоналар сони билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Одатда индивид томонидан ўз ижтимоий мавқеини юқори ёки қуйи томон бир ёки икки поғона ўзгартириши нормал ижтимоий мобиллик саналади. Ноаниқ ижтимоий мобиллик масофаси эса индивид томонидан ўз ижтимоий мавқеини тўсатдан қуйидан юқорига, ва бунинг акси ҳолатда сакраш орқали юз берувчи ҳодиса ҳисобланади.

**Мобиллик ҳажми** – маълум бир вақт оралиғида, вертикал ҳолатдаги зиналардан ўз жойлашувини ўзгартирувчи индивидлар миқдорини билдирувчи тушунча ҳисобланади. Агар ижтимоий мобиллик ҳажми ижтимоий маконда ўз ўрни ва жойини ўзгартирган индивидлар сонидан келтириб чиқариладиган бўлса, бундай ҳолат абсолютдир, агар бундай миқдорий мунособат ҳамма аҳолига нисбатан қўлланиладиган бўлса, нисбий ҳолат ҳисобланади ва фоиз ҳисобида кўрсатилади.

**Ижтимоий демографик омиллари** **мобилликнинг**

Вертикал ва горизонтал ижтимоий мобилликка жамиятдаги туғилиш, ўлим ва ўртача умр кўриш даражаси, аҳоли жинси ва зичлиги асосий таъсир қилувчи омиллар бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда маълум бир жамият тараққиётида аҳолининг кўчиб ўтиши билан боғлиқ эмиграция ҳолатининг оқибатлари кўпроқ сезилмоқда. Қайси бир давлатда туғилиш даражаси юқори бўлса, масалан аҳоли сонининг 60% фоизини ёшлар ташкил қилса, ушбу жамиятда мобиллик юқори коэффицентга эга бўлади. Социолог олимлар ёшлар ўртасида касбий фаолият билан, ўрта ёшдаги аҳоли ўртасида иқтисодий омил билан, катта ёшдаги аҳоли ўртасида эса сиёсий масалалар билан боғлиқ ижтимоий мобилликлар рўй бераётганини кузатишган. Бундан келиб чиқадики, ижтимоий мобиллик аҳоли ёши билан ўзаро боғлиқ ҳолда рўй берадиган жараён эканлигини тақозо этадиган ҳодисадир.

**Туғилиш жараёнининг ижтимоий мобилликка таъсири.**

Кузатиш натижаларига кўра, юқори синф эгалари орасида оилада камроқ фарзанд кўриш кўникмаси ҳосил бўлаётган бўлса, қуйи синф эгалари ўртасида кўпроқ фарзанд кўриш ҳолатлари қайд этилмоқда. Бундай нисбат юқори синф эгалари томонидан эгалланган ижтимоий мавқе жойлашувида маълум бир бўшлиқ келиб чиқишига сабаб бўлади. Профессional касб эгалари (шифокор, юрист ва бошқалар), юқори тоифага эга бўлган хизматчилар оиласида туғилиш даражаси паст кўрсаткични ташкил қилгани учун ўз иш ўринларини кейинги авлод билан тўлдириш



муаммоси вужудга келади. Бунга қарама-қарши нисбатдаги ҳолат фермерлар ва қишлоқ хўжалиги ходимлари оилаларида кузатилади. Масалан, АҚШ жамиятида қишлоқ хўжалиги ходимлари ва фермерлар ўз иш ўринларини келажак авлод билан тўлдириш нисбатидан 50% фоиз кўп фарзандлар туғилиши кузатилган.

Хулоса қилиш мумкинки, юқори ва қуйи синф вакиллари оилаларида туғилиш даражасидаги фарқ вертикал ва горизонтал мобиллик самарасини оширади. Жамиятда эмиграция ва миграция жараёнларининг ўзгаришларига сабаб бўлади. Баъзи давлатларда аҳоли сонининг кўпайишига, баъзи давлатларда эса аҳоли сонининг камайишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридаги фикр-мулоҳаза ва хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни беришни лозим деб топдик :

1. Жамиятда фуқароларнинг эмин-эркин ҳаракатланиши, яъни ижтимоий мобилликни амалга ошириш учун биринчи ўринда ҳуқуқий макон яратиб берилиши лозим. Бундай қоида энг олий қонун, яъни Конституцияда белгилаб қўйилиши керак.
2. Маълум бир индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг вертикал ва

горизонтал ҳолатини ўзгартириш учун жамиятда циркуляция (ўрин ва жой алмаштириш) жараёнига ҳар қандай таъқиқлар олиб ташланиши зарур. Бундай жараён табиий ҳолатда амалга ошириш учун шароит яратиб берилиши лозим.

3. Ҳар бир жамият маълум бир тарихий тараққиёт босқичида ўзига хос ижтимоий мобиллик қадриятларига эга бўлади. Тарихда дин ва армия ижтимоий мобилликни амалга оширишда устувор аҳамиятга эга бўлган бўлса, бугунги кунда таълим ва касб фаолияти билан боғлиқ мобилликлар устуворликка эга эканлигидан келиб чиқиб чора тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

4. Ижтимоий мобиллик вақт ва макон тамойили нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиниши лозим. Зеро, ижтимоий мобиллик жараёнида келиб чиқадиган маргинал ҳолатлар вақт категорияси билан боғлиқдир.

5. Ижтимоий ҳаракат жараёнида аёллар имконияти анча чекланган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ижтимоий мобилликда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш чоратадбирларини янада такомиллаштириш зарур.

## References:

1. Алиев Б., Рафиқов Ғ. ва бошқалар. Социология (ўқув қўлланма). – Тошкент: ТДЮУ нашриёти. 2006.
2. Убайдуллаева Р., Бекмуродов М. ва бошқалар. Социология (ўқув қўлланма). – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси. 2002.
3. Гидденс Энтони. Социология (ўқув қўлланма). – Тошкент: “Шарқ” нашриёти. 2002.
4. Giddens A. Sociology. 3rd ed. – Cambridge: Polity Press. 1998.
5. Джавакова К.В. Религиоведение. Учебное пособие. – Т.: Академия МВД, 2014.



6. Зеленков М.Ю. Политология для юристов. Москва: Юридический МИИТа, 2003.
7. История религии. В 2 т. Т. 1. Учебник / В.В.Винокуров, А.П.Забияко, З.Г.Лапина и др.; Под общей ред. И. Н. Яблокова. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Высш. шк., 2004.
8. Короткевич А.В. Социология. Учебное-методическое пособие. Минск: Международный государственный университет имени А.Д.Сахарова, 2014.
9. Мкртчян Е.Р. Основы Социологии. Учебное пособие. Волгоград, 2017.
10. Нурышев Г.Н., Бразевич Д.С. Социология: Учебное пособие. СПб.: 2010.
11. Раджапова М.З. Взаимоотношения государства и религии в современном Узбекистане. Фундаментальные и прикладные исследования. 2014.
12. Тургаева А. Социология (учебник). 2-издание. –Москва: Юрайт. 2018.